

“Ўзкомназорат” Инспекциясининг 2025 йил I чорагдаги фаолияти натижалари бўйича МАЪЛУМОТ

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси яъни “Ўзкомназорат” Инспекцияси томонидан **2025 йил I чорагида** қуйидаги ишлар **амалга оширилди:**

алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникациялар соҳасида **қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши** юзасидан **26 та** назорат тадбирлари ташкил этилган, хусусан **23 та** текшириш ва **3 та** ўрганишлар ўтказилган.

Йўналишлар кесимида, давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларни жорий этилиши ва рақамлаштириш бўйича вазифалар ижросини назорат қилиш йўналишида **6 та**, ахборот тизимлари ва ресурсларини назорат қилиш йўналишида **5 та**, мобил алоқа тармоқларини назорат қилиш йўналишида **5 та**, ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишида **3 та**, телекоммуникация инфратузилмасини назорат қилиш **3 та**, почта алоқасини назорат қилиш йўналишида **3 та**, ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш йўналишида **1 та** назорат тадбирлари ўтказилган.

Назорат тадбирларининг **17 таси (52 фоизи)** давлат ва ҳўжалик юритувчи органлари ва **9 таси (48 фоизи)** тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган.

Ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича **18 та** кўрсатма ва **4 та** тақдимномалар киритилган. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган **75 нафар шахсга**, жумладан **33 нафар** жисмоний ва **42 нафар** юридик шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилган.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини олдини олишга қаратилган тавсиялар бериш шунингдек, қонунбузилишларга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида **67 та профилактика тадбирлари** ўтказилган.

Соҳа ва тармоқларни **рақамлаштиришга оид** белгиланган **1 200 дан ортиқ** лойиҳалар ижроси мониторинг қилиниб, аниқланган камчиликлар бўйича вазирлик ва идораларга **29 та** огоҳлантиришлар берилиб, ижроси назоратга олинган.

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган **345 та электрон давлат хизматлари** ва **520 та** қўшимча электрон хизматларни кўрсатишда аниқланган **11 та** камчиликлар бартараф эттирилган.

Вазирлик ва идораларнинг **1019 та** ахборот тизимлари, **36 та** ахборот ресурслари, **49 та** мобил иловалари, **74 та** электрон платформалари ва **82 та** порталлар фаолияти мониторинг қилиб борилган.

Бу орқали, кўрсатилаётган электрон хизматларининг **сифати ва узлуксизлигини таъминлаш** чоралари кўрилган ҳамда аҳолининг давлат органлари ва ташкилотларнинг **масофавий хизмат** турларидан **қулай ва тезкор** фойдаланишига имкон яратилган.

2025 йил I чорагида хизматлар сифатига доир **1 854 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан **1 586 таси (86 фоизи)** қаноатлантирилган.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мурожаатлар сони **33 фоизга** камайган (*2024 йил I чорагида – 2 783 та бўлган*).

2025 йил I чорагида Инспекциянинг **қисқа 1144 рақамли** “Ишонч телефони”га **1 381 та** (*жами мурожаатларнинг 74 фоизи*) мурожаат келиб тушган ва уларнинг **1191 таси (92 фоизи)** қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаатлар сони **38 фоизга камайган** (*2024 йил I чорагида – 187 та, 2025 йил I чорагида 303 та мурожаат келиб тушган*).

2025 йил I чорагида жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида **38 та** сайёр қабуллар ташкил этилган. Уларда **1 300 дан ортиқ** аҳоли вакиллари иштирок этиб, уларнинг **230 дан ортиқ** мурожаатлари кўриб чиқилган. Шундан, **174 таси (76 фоизи)** қаноатлантирган, **32 тасига** ҳукуқий тушунтиришлар берилган.

Аҳолига кўрсатилаётган мобил алоқа хизматлари сифатига **салбий таъсир** ўтказаетган **91 та** ноқонуний фойдаланилаётган қурилмалар (*радиоэлектрон воситалар ва репитерлар*) фаолиятига **чек қўйилган**.

Туризм масканлари, аэропорт, темирйўл, автовокзал ва бошқа жамоат жойларида ташкил этилган **1 100 дан ортиқ** Wi-Fi ҳудудларида хизматлар сифати ҳолати мониторинг қилинган ҳамда аниқланган **73 та** камчиликлар бартараф эттирилган.

Почта алоқасини назорат қилиш йўналишида йўлланган хат-хабарларни белгиланган муддатларда манзилига етказилилиши ҳолати мониторинг қилиниб, аниқланган **205 та** камчиликлар бўйича **39 та** огоҳлантиришлар берилган ҳамда камчиликларга йўл қўйган **16 нафар** маъсулларга нисбатан **интизомий чоралар** қўлланилган.

“Ўзкомназорат” Инспекциясининг фаолияти алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникациялар ва рақамли технологиялар

соҳасида аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган **рақамли сервис ва хизматларнинг узлуксизлиги ва сифатини таъминлаш**, шунингдек **истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга** қаратиб келинмоқда.